

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил октябрь ойининг 7-куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди Марғилон шаҳар “Иқбол” маҳалла фуқаролар йиғини биносиди, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи М.Марахимов, судья ёрдамчиси Х.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, Марғилон шаҳар прокурорининг ўринбосари Ж.Хомидов, судланувчи С.Холмирзаев ва унинг ҳимоячиси Х.Абдурахмонов ҳамда жабрланувчи Х.Қориевнинг иштирокида,

Холмирзаев Содикжон Порикович (Holmirzayev Sodikjon Porikovich), 1985 йил 30 июнда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, муқаддам судланмаган, оилали, уч нафар фарзанди бор, Марғилон шаҳар, Милтиқсоз маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғиновий кўчаси, 83-уй, 5-хонадонда яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 4 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчига оид 1-1513-2401/489-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Холмирзаев Содикжон Порикович 2024 йил 8 август куни соат 16⁴⁵ларда, Марғилон шаҳар, Милтиқсоз маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғиновий кўчасидаги 83-сонли кўп қаватли уйлар олдида, кўшниси Қориев Хожиакбар Акрамжон ўғли билан ўзаро келишмовчилик сабабли жанжаллашиб кетган ва жанжал давомида Х.Қориевни ўткир тигли жисм билан ўнг қўлтиқ соҳасига бир марта уриб, унга қасдан тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2024 йил 19 августдаги 2523-сонли хулосасида, Х.Қориевда бош мия чайқалиши, чап кўз олмасига травматик қуйилиши, чап кўз олмасини лат ейиши, чап кўзида кўрув ўткирлигини (0,7)га пасайиши, ўнг қовурға ёйи остини тилинмаси ҳамда ўнг тирсак бўғимини шилинмаси аниқлангани ва ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига соғлиқнинг 6 кундан ортиқ аммо, 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келган енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи С.Холмирзаев ва жабрланувчи Х.Қориев ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўради.

Судланувчи С.Холмирзаев судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроор экани, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчи Х.Қориевга етказилган



зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи Х.Қориев билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Х.Қориев судда, ярашув тўғрисидаги аризани қувватлаб, С.Холмирзаевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушингани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд жабрланувчи Х.Қориев ва судланувчи С.Холмирзаевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, ҳимоячи Х.Абдурахмонов ва Марғилон шаҳар прокурори ўринбосари Ж.Хомидовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи С.Холмирзаевнинг айбига иқдорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шунингдек, суд жабрланувчи Х.Қориевга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушинтирилганини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Судланувчи Холмирзаев Содикжон Порикович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилиниб, судланувчи С.Холмирзаевни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айблаш ҳақидаги жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан иш юритишдан тугатилсин.

Судланувчи Холмирзаев Содикжон Пориковичга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Х.Қориевга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан



сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушинтирилгани инобатга олинсин.

Ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Марахимов

